



# HURRIYAT

Mustaqil gazeta

Gazeta 1996-yil dekabrdan chiqsa boshlagan ★ Elektron manzil: [gazhurriyat@mail.ru](mailto:gazhurriyat@mail.ru) ★ [www.uzhurriyat.uz](http://www.uzhurriyat.uz) ★ 2019-yil 19-dekabr, payshanba ★ № 49 (1161)

## САФАР АКА ДУНЁСИГА БИР САФАР



Муаммони кўтариш бирламчи ҳолат, унинг ечимини билиш эса асосий мақсадидир. Шу маънода Сафар Остон сўнгги давр ўзбек журналистикасида ҳукуқ мавзусида ёзадиган, бу тизимни соҳа мутасаддиларидан кам билмайдиган камдан-кам журналистлардан биридир.

⇒ 4-бет


## ҚОЗИЛАШГАН КАРИНДОШ БЎЛМАС



Қизиқ, бу каби низоларнинг маънавий ечими қаерда, деган савол туғилади. Наҳотки, бундай инсонлар ўтган умрини ортга қайтариб бўлмаслигини тушунмасалар?! Турмушдаги иктиномий ва мулкий низоларни суд, албатта ҳал этади.

⇒ 6-бет

## “ШОИР АВВАЛО ШАХС БЎЛМОГИ ЛОЗИМ!”



Дунёни англаш бадиий адабиёт мутолааси ва уни ўрганиш асосида шаклланади. Шу ҳисобда, биз магрибликлар учун Ўзбекистон ҳам нафақат тарихий, балки адабий объект сифатида намоён бўлади. Ўзбек адабиёти ўз маданиятинигина бадият ила қориши-радиган адабиёт эмас. ⇒ 8-бет

## ► Тұхфа

## “Беш ташаббус – беш китоб”

лойиҳаси асосида нашр этилган асарлар кенг оммага тақдим этилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 3 август куни мамлакатимиз ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашув ўтказганда миллий маданиятимиз, адабиёт ва санъатимизни ривожлантириш билан боғлиқ дол зарб масалалар, уларни ҳал этиш йўллари, бу борада ижодий узошмалар ва давлат ташкилотлари олдида турган муҳим вазифалар ҳақида атрофлича фикр билдирганди.

Faғур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи қалами ўткир ижодкорларнинг тўпламларини чиқаришда амалий ёрдам берib келади. Ушбу нашриёт эзгу ишларнинг мantiқий давоми сифатида “Беш ташаббус – беш китоб”

мўъжиза”, Исажон Султоннинг “Корақуш юлдузининг сири”, Зулфия Куролбой қизининг “Аёл”, Лукмон Бўрихоннинг “Марҳаматли кун”, Назар Эшонқулнинг “Момокўшик” китоблари эндиликда китобхонларнинг севимли асарлари йўнилган жой олинига ишб



“Маком йўлларида яратилган энг яхши асар”

\* ЯНГИЛИКЛАР  
\* ХАБАРЛАР  
\* ВОҚЕАЛАР

Давлатимиз раҳбари — Японияда Президентимиз Шавкат Мирзиёев давлат ташрифи билан Японияга борди.

«Ханэда» халқаро аэропортида Ўзбекистон Президентини Япония таълим, маданият, спорт, фан ва технологиялар, таълим тизимини тиклаш масалалари вазири Хагиуда Коичи, Япония Ташки ишлар вазирлигининг Марказий Осиё бўйича маҳсус вакили Хидеки Уяма ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Кеча Токиода Япония Бош вазирининг ўринбосари, молия вазири Таро Асо, Япония парламентининг Ўзбекистон билан дўстлик лигаси фаоллари ҳамда Япониянинг етакчи компания ва банклари вакиллари билан учрашувлар бўлиб ўтди.

Аждодларга муносиб ворислар беллашуви

СУРХОНДАРЁ. Термиз шаҳрида вилоят ҳокими соврини учун Мудофаа вазирлигининг воҳадаги ҳарбий хизматчилар ўргасида “Амир Темур ўғлонлари” ва “Жалолиддин Мангуберди ворислари” номидаги вилоят танлови бошланди.

Танлов ҳарбий хизматчиларнинг китобхонлик ва китоб мутолааси, от миниш маҳорати, баҳшичилик ва достончилик, тасвирий санъат йўналишлари бўйича ўтказилмоқда. Унда тадбирнинг ҳарбий кисм ҳамда гарнизонлар босқичларида голиб